

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„15“ декабрь 2017 й. г. № 985

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти ҳузурида
Аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда
вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги
илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашни
ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 2 июндаги ПҚ-3030-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти ҳузурида Аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашни (кейинги ўринларда Идоралараро кенгаш деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва харакат қилиш давлат тизимига кирувчи вазирликлар ва идораларга аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси тизимлари фаолияти самарадорлигини оширишга доир илмий-техник дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш;

аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини амалиётга татбик этилишини таъминлаш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фукаро мухофазаси институти хузуридаги Ахоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш, шунингдек фукаро мухофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фукаро мухофазаси институти хузуридаги Ахоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш, шунингдек фукаро мухофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиклансин.

4. Белгилансинки, Идоралараро кенгаш жамоатчилик асосида фаолият юритади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазири Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2017 йил “15” декабр даги
985 -сон карорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаро мухофазаси институти хузуридаги
Ахоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда
вазиятлардан мухофаза қилиш, шунингдек фуқаро мухофазаси соҳасидаги
илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|----------------------|---|
| 1. К.М. Арипов | – Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринbosари, <i>Идораларао кенгаши раиси</i> |
| 2. З.Т. Тураев | – Ўзбекистон Республикаси Фуқаро мухофазаси институти бошлиғи, <i>Идораларао кенгаши раисининг ўринbosари</i> |
| 3. лавозим бўйича | – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси бошқармаси бошлиғи |
| 4. Б.А. Мавлянкариев | – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институти профессори |
| 5. А.А. Насиров | – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлар Академиясининг Олий таълимдан кейинги таълим бўлими бошлиғи |
| 6. Д.А. Зарединов | – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош радиологи |
| 7. Д.А. Алимов | – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директорининг ўринbosари |
| 8. Ш.Х. Усанов | – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ахборот-методик таъминлаш хизмати бошлигининг ўринbosари |
| 9. Т. Турсунов | – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Тошкент кимё-технология институти профессори |
| 10. А.Н. Нигматов | – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти кафедра мудири |
| 11. М.Х. Эсанов | – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази директори |
| 12. З.К. Курбанов | – “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Телекоммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи |
| 13. Ш.А. Хакимов | – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси “Тошуйжой ЛИТИ” акциядорлик жамиятининг зилзилага бардош қурилиш бўлими бошлиғи |
| 14. Ж.М. Исаев | – Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий котиби |

15. Ф.Ш. Шоазизов – Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Дарё, канал ва иншоотлар гидравликаси лабораторияси мудири
16. F.A. Бимурзаев – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати бошлиғи
17. А.А. Турғунов – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти директори
18. А.И. Тўйчиев – Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
19. X.C. Сагдиев – Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
20. К.Д. Салямова – Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи илмий ходими
21. М.У. Каримов – “Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти” давлат корхонаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
22. Б.В. Криворучко – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Темир йўл мухандислари институти “Хаёт хавфсизлиги асослари” кафедраси катта ўқитувчиси
23. В.Д. Минченко – “ТИДРОИНГЕО институти” давлат корхонаси лаборатория мудири
24. С.В. Мягков – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Гидрометеорология илмий-текшириш институти директори ўринбосари
25. С.Р. Камилов – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси “Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази” давлат унитар корхонаси бош мутахассиси
26. О.Т. Ахмедов – “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти “Илмий техника маркази” масъулияти чекланган жамияти докторанти
27. Б.Ф. Хикматов – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш соҳасида фан ва технологияларни ривожлантириш бўлими бошлиғи, Идоралараро кенгаши котиби

Изоҳ. Идоралараро кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ушибу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишили мајсбуряятларни бажарии зиммасига юкланган шахслар идоралараро кенгаши таркибига киритилади.

Вазирлар Махкамасининг
2017 йил “15” декабр даги
985 - сон карорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти ҳузуридаги
Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда
вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги
илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти ҳузуридаги Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий ишларни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг (кейинги ўринларда Идоралараро кенгаш деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқук ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Идоралараро кенгаш Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига (кейинги ўринларда ФВДТ деб аталади) кирувчи вазирликлар ва идоралар томонидан аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (кейинги ўринларда илмий ишлар деб аталади) ташкил этиш ва амалга оширишни мувофиқлаштирувчи коллегиал орган ҳисобланади.

Идоралараро кенгаш жамоатчилик асосида фаолият юритади.

3. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошка қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятини давлат органлари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Идоралараро кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тавсиявий хусусиятга эга бўлади.

2-боб. Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ФВДТга кирувчи вазирликлар ва идораларга аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда кўмаклашиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси тизимлари фаолияти самарадорлигини оширишга доир илмий-техник дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини мувоғиқлаштириш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш.

7. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) ФВДТга кирувчи вазирликлар ва идораларга аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий ишларни ташкил этиши ва амалга оширида кўмаклашии соҳасида:

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мавжуд муаммоли масалаларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

илмий ишларнинг устувор йўналишларини ва вазифаларини белгилаш ҳамда ФВДТга кирувчи вазирликлар ва идораларга тегишли тавсиялар бериш;

илмий ишлар мавзуларини кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун тавсия этиш ҳамда уларнинг грант танловларида иштироки бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига таклифлар киритиш;

илмий ишларни ривожлантириш бўйича анжуманлар, семинарлар, кўргазмалар ва бошқа илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги буюртмасига биноан илмий-амалий тадқиқот ва экспериментал ишланмаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тавсия этиш;

илмий ишлар, уларнинг натижадорлиги ҳамда хорижий давлатларнинг илгор тажрибаси бўйича маҳсус маълумотлар базасини яратиш, янгилаб бориш ҳамда илмий ишлар тўпламлари нашр этилишини ташкил қилиш;

илмий ишларни ривожлантириш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

б) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиши ҳамда фуқаро муҳофазаси тизимлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир илмий-техник дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиши ва уларнинг бажарилишини мувоғиқлаштириши соҳасида:

мақсадли илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

илмий ишларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва эксперт хулосалари бериш;

олиб борилаётган илмий ишларнинг бажарилишини доимий равишда назорат ва таҳлил қилиб бориш;

илмий ишларни амалга оширишда ФВДТга кирувчи вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга доир илмий-техник, услубий, ташкилий ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

в) аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш соҳасида:

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида илмий-тадқиқот ва экспериментал ишланмалар натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги долзарб илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғига таклифлар киритиш;

илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши мониторингини юритиш.

3-боб. Идоралараро кенгашнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Идоралараро кенгаш куйидаги ҳукуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумотларни сўраш ва олиш;

ФВДТга кирувчи барча вазирликлар ва идоралар тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳолати билан танишиш ҳамда уларга баҳо бериш;

илмий ишларнинг самарадорлигини оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

истиқболсиз ва долзарб эмас деб баҳоланган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини тўхтатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига таклиф киритиш;

илмий ишларнинг ҳолатини ўрганиш учун ишчи комиссиялар ва (ёки) эксперт гурухлар ташкил этиш, шунингдек, ушбу комиссия ва гурухлар фаолиятига тегишли мутахассисларни жалб қилиш;

илмий ишларни ривожлантиришда фаол иштирок этган шахсларни рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиши.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Идоралараро кенгаш фаолиятини ташкил этиш

10. Идоралараро кенгашнинг раис, раис ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Идоралараро кенгаш ФВДТга кирувчи вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларнинг етакчи олимлари ва мутахассисларидан иборат бўлади.

12. Идоралараро кенгаш экспертиза тадбирларини ўтказиш мақсадида тақдим этилган илмий-тадқиқот натижаларини қўриб чиқиш учун бошқа вазирликлар ва идоралар мутахассисларини жалб этиши мумкин.

13. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруратга қўра, аммо ҳар йилда камида бир марта ўтказади.

14. Идоралараро кенгаш раиси:

Идоралараро кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

раис ўринбосарлари ва аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Идоралараро кенгаш мажлисларини чакиради ва уларга раислик қиласи;

Идоралараро кенгаш мажлислари кун тартибини тасдиқлайди;

Идоралараро кенгашнинг иш режаларини тасдиқлайди.

Идоралараро кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

15. Идоралараро кенгаш ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ахоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасида фан ва технологияларни ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) бажаради.

16. Ишчи орган:

Идоралараро кенгашнинг иш режаларини ишлаб чикади, уларнинг ижроси юзасидан назоратни амалга оширади;

тасдиқланган иш режасига мувофиқ Кенгашнинг фаолиятини ташкил этади;

Идоралараро кенгаш мажлислари кун тартибига киритиладиган масалалар бўйича материалларнинг тайёрланишини ташкил қиласи;

Идоралараро кенгашнинг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Идоралараро кенгаш қарорларининг ижроси юзасидан назорат ва мониторингни ташкил қиласи, натижалари бўйича Кенгаш раисига ахборот бериб боради ҳамда таҳлилий ва бошқа материалларни навбатдаги мажлисда қўриб чиқиш учун тайёрлайди;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.

Ишчи орган қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ахоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасида фан ва технологияларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Идоралараро кенгаш котиби ҳисобланади.

18. Идоралараро кенгаш котиби:

Идоралараро кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

барча зарур хужжатларнинг навбатдаги мажлисга тўпланиши, умумлаштирилиши ва Идоралараро кенгаш раисига тақдим этилишини таъминлайди;

Идоралараро кенгаш раиси билан мажлиснинг ўтказилиш муддати ва жойини ҳамда таклиф этиладиган шахслар рўйхатини келишади;

Идоралараро кенгаш аъзоларига ва таклиф этилган шахсларга мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида хабар беради;

Идоралараро кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни унинг аъзоларига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга юборади.

19. Идоралараро кенгаш мажлисини чакириш унинг аъзоларига аввалдан ёзма хабарнома тарқатиш асосида амалга оширилади. Хабарномада мажлисни ўтказиш куни, вақти ва муҳокама қилинадиган масалалар тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади.

20. Идоралараро кенгаш мажлисини унинг раиси бошқаради. Идоралараро кенгаш раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Идоралараро кенгаш мажлиси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Зарур миқдордаги аъзолар йиғилмаган ҳолатларда Идоралараро кенгаш мажлиси бошқа муддатга қолдирилади.

21. Идоралараро кенгаш қарорлари унинг мажлисида иштирок этган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган тақдирда Идоралараро кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

22. Идоралараро кенгаш қарорлари мажлисда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ва Идоралараро кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Идоралараро кенгаш аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини ёзма равишда билдириш хуқуқига эгадир.

23. ФВДТга кирувчи барча вазирликлар ва идоралар аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси соҳасида олиб борилаётган, тугалланган илмий ишлар ва амалга оширилиши режалаштирилаётган янги илмий ишлар лойиҳалари бўйича ҳар йил якунида йиллик ҳисобот тайёрлайди ҳамда унинг Идоралараро кенгашга тақдим этиб боради.

24. Идоралараро кенгашнинг иш режалари, унинг аъзоларидан келиб тушган тақлифлар асосида бир йил учун тузилади ва мажлисида кўриб чиқилиб, Идоралараро кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Идоралараро кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жихатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси институти томонидан амалга оширилади.

26. Идоралараро кенгашни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

